

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ
УНИВЕРСИТЕТИ

Кўлёзма ҳуқуқида
УДК: 339.138 + 631(575.1)

ИВАТОВ ИРИСВЕГ

**ЎЗБЕКИСТОН ДЕҲҚОН БОЗОРИДА МАРКЕТИНГ
ФАОЛИЯТИ РИВОЖЛАНИШИНинг ИСТИҚБОЛЛАРИ**

08.00.13 - «Маркетинг» ихтисослиги

Иқтисод фанлари доктори
илемий даражасини олиш учун диссертация
А В Т О Р Е Ф Е Р А Т И

Тошкент - 2004

**Диссертация Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг
«Маркетинг» кафедрасида бажарилган**

Расмий оппонентлар: иқтисод фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Академиги М.Ш. Шарифхўжаев,
иқтисод фанлари доктори,
профессор Э. А. Акрамов,
иқтисод фанлари доктори,
профессор А. С. Солиев.

Етакчи ташкилот: Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув
хўжалиги Вазирлиги Бозор ислоҳотлари илмий-
тадқиқот институти

Диссертация 2004 йил «5 №9-» да Тошкент
давлат иқтисодиёт университети қошидаги иқтисод фанлари доктори
ilmий даражасини олиш учун диссертациялар ҳимояси бўйича
Д.067.06.01 рақамли ихтисослашган Кенгаш йигилишида ҳимоя
қилинади.

700063, Тошкент ш., Ўзбекистон шоҳ кўчаси, 49.

Диссертация билан Тошкент давлат иқтисодиёт университети
кутубхонасида танишиш мумкин.

Автореферат 2004 йил «4» №02 да тарқатилди.

Ихтисослашган кенгаш
ilmий котибаси, иқтисод
фанлари доктори, профессор

М.С.Қосимова

М.С.Қосимова

1. ДИССЕРТАЦИЯНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

Кириш. Бозор муносабатлари шаклланиши ва қарор топиши шароитида турли мулк шаклидаги хўжалик субъектларининг юқори иқтисодий самарадорликка эришишга интилиш йўлидаги фаолиятлари талаб ва таклиф, қиймат қонунлари тамойиллари асосида бошқарилиб, бу ҳолат бозорда истеъмолчилар ва ишлаб чиқарувчилар манфаатлари тенглити, унда фаолигт кўрсатаётган хўжалик субъектлари тўла иқтисодий эркинликка эга бўлишларини тақозо этади. Ўз навбатида бозор амалиётидаги бошқариши функцияларининг назарий ва услубий асосларини уйгунаштирувчи ҳамда хўжалик субъектларини рақобатли бозорда муваффақиятга эриширувчи восита сифатида маркетинг юзага чиқади ва бугунги кунда у бозор муносабатлари такомиллашувининг асосий омилларидан бири ҳисобланади.

Маркетинг муаммоларига Республика Президенти И.Каримов ўзининг дикқат эътиборини қаратиб: «Биз доимо ҳамма даражада маркетинг тадқикотларини ташкил этиш билан жиҳдий шугулланиш зарурлигини таъкидлаймиз. Бироқ бу борода амалда жуда оз иши қилинмоқда. Ички ва ташки бозорларнинг тараққиёт тамойилларини яхши билмаслик натижасида корхоналар, қўйинлеки, бутун мамлакат катта зарар кўрмоқда»¹ деб, бу воситадан янада яхши фойдаланиш зарурлиги ҳақида тўхталиб ўтди. Шунинг учун ҳам кейинги пайтларда, Ўзбекистонда маркетинг тушунчаси, моҳияти, назарияси, айниқса унинг ҳозирги замон концепцияси ва хўжалик субъектлари фаолиятида бажарадиган вазифасига алоҳида эътибор берилиб, турли соҳалар, йўналишлар бўйича уни қўллаш механизмлари, усуллари ҳаётта татбиқ қилинмоқда. Чунки, хўжалик субъектларининг иқтисоди маркетинг тамойиллари асосида амала оширилиб, уларнинг фаолиятида бозорни ўрганиш марказий ўринлардан бирини эгаллайди ва маҳсулот (хизмат)ни истеъмолчигача етказиш билан боғлиқ бўлган барча жараёнларни замон талаби асосида ташкил этиш, сотовчи учун ҳам, харидор учун ҳам энг қулий имкониятларни яратиш ва ҳар бир субъект фаолиятида ижтимоий-иктисодий самарадорликка эришиш асосий мақсад ҳисобланади. Маркетинг фаолиятини йўлга қўйиш аҳолининг товарлар ва хизматларга бўлган талабини қондиришда ҳал қиувлечи аҳамиятта эга. Аҳолининг истеъмол товарлари ва биринчи навбатда озиқ-овқат маҳсулотларининг муҳим таркибий қисми бўлган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига талабини қондиришда айниқса, дехқон бозори алоҳида аҳамият касб этади.

Ўзбекистонда дехқон бозорининг ғоят мухим аҳамиятта эга эканлигини Республика Президенти И.А.Каримов шундай деб ифодалаган эди: «Барчамизга яхши маълумки, ҳаётимизда,

¹ Каримов И.А. Келажакни жасоратли одамлар қуради. // Биз келажагимизни ўз кўлнимиз билан қурамиз. Т. 7 - Т.: Ўзбекистон, 1999. 321-б.

рўзгормизда, турмуш тарзимида, ҳар қайси оила, ҳар қайси инсоннинг туриш-турмушида бозорнинг ўрни катта... Дехқон бозорлари нафакат дехқон ўз маҳсулотини сотадиган жой. Аслида дехқон бозорлари биз тасаввур эттанимииздан ҳам кенгроқ мазмунга эга. Биз бозорларимизда қадимий анъаналар тикланиши, яъни улар одамларнинг муомала маркази бўлиб қолиши тарафдоримиз¹. Ҳақиқатан ҳам, Ўзбекистондаги дехқон бозорлари қадимий ҳисобланниб, юксак аҳлоқий қадриятларни ўзида мужассамлаштирган ҳолда ўзига хос хусусиятларга ва ривожланишга эга. Шу билан бир вақтда Ўзбекистонда дехқон бозорининг ривожланиши бозор иқтисодиёти шароитида янада ортиб бориши учун объектив ва субъектив шарт-шароитлар мавжудидir. Шунинг учун ҳам бу соҳада маркетинг фаолиятининг шаклланиши ва ривожланишини ўрганиш долзарб муаммолардан бири бўлиб бормоқда. Дехқон бозорининг яқин ва узоқ келажақдаги ривожланиши дехқон хўжаликлари ва кейинги йилларда қарор топиб, ривожланиб бораётган фермер хўжаликлирида этиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг сотиш учун мўлжаланган қисмини ташкилий жиҳатдан уюшган ҳолда ўтказиш, сотишни таъминлаш, юқори даражада ташкил этилган сервис, замонавий савдо маданийтини қарор топтириш ҳисобига содир бўлиши керак. Бу эса ўз навбатида бу соҳада маркетинг фаолиятини қай даражада қўллаш имкониятларига боғлиқдир.

Бозор муносабатлари тизимида дехқон бозорини сотувчилар ва харидорлар учун муҳим воситачи сифатида ўрганиш ва унда маркетинг фаолиятининг шаклланиши ва ривожланиши, нархларнинг талаб ва таклиф асосида тебраниб туришини ҳисобга олиб, бозор конъюнктураси ва фаолият юритиш механизми, маҳсулот ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилар учун юқори даражадаги сервисни таъминлашга ўйналирилган маркетинг фаолияти ривожланишининг истиқболларини Ўзбекистон Республикаси шаҳарлари, туман марказлари ва йирик қишлоқларидаги дехқон бозорлари мисолида аниқлашга қаратилганлиги ушбу тадқиқот ишини олиб боришни тақозо этади.

Бозорлар фаолиятини тубдан яхшилаш, сотувчилар ва харидорлар учун энг қулай шарт-шароитларни яратиш, шу орқали аҳолининг талаб - эҳтиёжини қондириб, уларнинг турмуш тарзи даражасини юксалтириш маркетинг фаолиятини амалда кенг қўллаш билан боғлиқ бўлиб, бу мавзунинг долзарблигидан далолат беради.

Бозор иқтисодиёти тамойиллари ва рақобат муносабатларининг кучайиб бориши шароитида ҳар бир хўжалик субъекти учун зарур бўлган маркетинг фаолиятини ўрганишга бўлган қизиқиши кейинги йилларда ортиб бормоқда. Айниқса, бу борада хорижлик олимлардан И.Ансофф, Г.Армстронг, А.Баркеме, Б.Бергман, В.Венслеу,

¹ Каримов И.А. Ислоҳотларни амалга оширишда қатъиятли бўлайлик//Бунёдкорлик йўлидан. Т.4 - Т.: Ўзбекистон, 1996. 262, 264-66.

Ж.Гордон, А.Дайан, Г.Дау, Е.Дихтель, П.Диксон, Питер Ф. Друкер, М. Коннора, Ф.Котлер, Томас Л.Коллинз, Р.Л. Кохис, Ламбен Жан-Жак, Дж.Сондерс, Р.Моррис, Стэн Рэлл, Дж. М.Тресси, Х.Хершген, Х.Швальбе, Р. Эванс, Дж.Н. Юла ва бошқалар¹, ҳамдұстлик мамлакатлари олимларидан Т.П. Абрамов, С.Н. Андреева, А.А.Браверман, Е.П. Голубков, Е.Н. Голубкова, А.В.Гольцов, В.А.Гончаров, Т.П.Данько, А.М. Моисеева, А.Н. Мельниченко, В.П.Нечанов, Е.В.Попов, Ф.П. Половцев, И.Я. Петренко, В.Ф.Сехерин, А.Н. Семина, О.А.Третьякларнинг ишларини қайд қилишимиз мүмкін.

Ўзбекистонда ҳам маркетингнинг умумий йўналиши, унинг турли тармоқлар бўйича қўлланилиши, назарий ва амалий жиҳатларини ўрганишга багишланган ишларда иқтисодчи-олимлардан А.Ш.Бекмуродов, Ж.Ж.Жалолов, Ф.Қ.Комилова, М.М.Мухаммадиев, Д.М.Муҳитдинов, М.А.Насретдинова, П.Х.Носиров, А.С.Солиев, М.С.Қосимова, С.С.Ғуломов, Н.Қ.Йўлдошев, Ш.О.Шарифхўжаев ва бошқаларнинг илмий ишларини кўрсатишмиз мүмкін.,

Ўзбекистон шароитида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва улар бозорини ташкил қилиш масалаларининг маълум бир томонлари олимлардан Т.Ахмедов, Б.Б.Беркинов, М.Х.Деҳқонов, Р.Г.Ибрагимов, В.В.Ким, Ф.Х.Назарова, Р.Х.Ҳотамов, Р.Х.Ҳусанов ва бошқалар ишларида кўрилган. Аммо қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини уюшган ҳолда айирбошлиш, сотиши жараёнида ишлаб чиқарувчи учун ҳам, маҳсулотни харид қилувчи учун ҳам қуляй хисобланган дәхқон бозорида маркетинг фаолияти илмий ишларда ўрганилмаган ва бу муаммони ўрганишта ётиборнинг қаратилиши шу кун талабаридан келиб чиқади.

Аҳоли томонидан етиштирилган маҳсулотларнинг бевосита ўзлари ва бошқалар иштироқида сотишини ва ниҳоят маҳсулотнинг харидор томонидан харид қилиниши учун қуляй шарт-шароитнинг яратилиши айнан дәхқон бозорида маркетинг фаолиятини кенг қўллаш билан боғлиқдир. Шунинг учун ҳам ривожланишнинг ҳозирги даври, яъни ўтиш иқтисодиётининг содир бўлиши ва бозор муносабатларининг шаклланишиб бориши шароитида дәхқон бозорининг ижтимоий-иқтисодий можияти ва аҳамияти, унда маркетинг фаолиятининг шаклланиши ва ривожланиши етарили даражада ўрганилмаганилиги диссертация мавзуини ташлашни тақозо этди.

Тадқиқотнинг мақсади. Иzlанишнинг мақсади маркетинг фаолиятини шакллантириш ва ривожлантириш асосида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини айирбошида дәхқон бозори имкониятларидан самарали фойдаланишиб, сотувчилар ва харидорлар учун замонавий бозор сервисини ташкил этиш, унда маркетинг

¹ Шу ерда ва кейинги ҳолларда муаллифларнинг илмий ишлари номлари диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида берилган.

фаолияти ривожланишининг истиқболлари бўйича илмий - амалий тавсиялар ишлаб чиқишидан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари. Қўйилган мақсадга мувофик тадқиқотнинг вазифалари бўлиб:

- бозор иқтисодиёти шароитида маркетинг тушунчаси, унинг назарий ва амалий жиҳатларини очиб берган ҳолда, маркетинг фаолиятининг ҳозирги замон концепциясини аниқлаш;

- дехқон бозорининг ҳозирги даврдаги ижтимоий - иқтисодий мөхиятини очиб бериш, унинг қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бозоридаги ўрни ва ўзига хос хусусиятларини аниқлаш;

- дехқон бозорида маркетинг фаолиятининг мазмуни, унинг намоён бўлиш хусусиятлари ва амал қилиш механизмларини кўрсатиш;

- аҳолининг талаб - эҳтиёжини қондиришда дехқон бозори имкониятларидан тўлиқ фойдаланган ҳолда, у ерда маркетинг фаолиятини шакллантириш ва қўллаш механизмларини кўрсатиш;

- бозор иқтисодиёти муносабатлари шароитида нарх-навонинг шаклланиши, хусусан дехқон бозорида унинг ҳосил бўлиши механизмларини ўрганиш;

- дехқон бозорида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига талаб ва тақлифинг намоён бўлиши ва унинг хусусиятларини кўрсатиш;

- қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотища дехқон бозорининг инфратузимаси ва унинг ҳолатини таҳлил қилиш;

- дехқон бозорининг товарлар таъминоти манбалари - оила, дехқон, фермер ва ширкат хўжаликларидаги оргикча маҳсулотларни сотиш муаммоларини ўрганиш;

- дехқон хўжаликларида этиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг товарлилик даражаси ва уларнинг сотилиш жараёнларини таҳдил этиш;

- шакланаётган дехқон ва фермер хўжаликларининг дехқон бозорларида иштирок этишини фаоллаштириш имкониятларини аниқлаш;

- дехқон бозорлари ривожланишига тарихий ёндашиш, «Буюк ипак йўли»нинг уларнинг шаклланишидаги ўрнини ёритиши;

- жаҳондаги ривожланган мамлакатларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотиш тажрибасини ўрганиш;

- дехқон бозорларида савдо ва хизмат кўрсатишни ташкил қилишини такомиллаштириш йўлларини кўрсатиш.

- дехқон бозорининг тартибга солиниши ва унинг имкониятларидан тўлиқ фойдаланниш йўлларини аниқлаш;

- қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари улгуржи бозорини йўлга кўйиш, матлубот уюшмаси томонидан амалга ошириладиган ҳарид-сотишни ташкил этиш ва унинг имкониятларидан самарали фойдаланиш механизмини кўрсатиш;

- дехқон бозори худудида согиладиган маҳсулотларнинг бозор ҳажмини аниқлаш;

- дәхқон бозорларидаги ҳозирги сервис ақволи ва уни жақон андозалари даражасига күтариш мұаммолари ҳисобланады.

Диссертациянинг илмий янгилиги дәхқон бозорда маркетинг фаолияти шаклланиши, ривожланишининг истиқболларини ўрганиш ва аниқлашнинг күйидаги йұналишларида үз аксини топған:

- бозор иқтисодиети муносабатлари шаклланиши ва қарор топиши шароитида хұжалик субъектлари иқтисодиетіда маркетингдан фойдаланишининг назарий ва услугий асослари ўрганилиб, унинг ривожланишининг ҳозирги босқичидаги концептуал жиһатлари асосланған ҳамда назарий жиһатдан маркетинг фаолиятининг айрбошлаш жараёнлари янада кучайиши ва шу орқали ақолининг моддий фаровонлигига ижобий таъсир қилиш имкониятлари аниқланған;

- дәхқон бозорининг назарий ва амалий түшүнчеси бериліб, бозор тамойилларига амал қылған ҳолда унинг мұваффакияттың фаолият күрсатиши учун зарур бұлған шарт - шароитлар, омиллар ва ҳудудий хусусияттар ўрганилған, дәхқон бозоридан мақсадді фойдаланиш ҳисобига ақолининг қышлоқ хұжалиги маңсулотларига бұлған талабиниң қондиришінде у ҳал килемчі ахамиятта эта эканлиғи ва ривожланишининг ҳозирги босқичида уңдан самаралы фойдаланған йұналишлари асосланған;

- дәхқон бозорларига тарихий ёндашиш натижасыда «Буюк ипак йұлы»нинг уларнинг шаклланишидеги ўрни асосланған, замонавий «Шарқ бозорлари» концепциясы ишлаб чиқылған ва шу асосда ҳозирги бозорлар фаолиятининг янгиланиш йұналишлари аниқланиб, иқтисодиети ривожланған мамлакатларда қышлоқ хұжалиги маңсулотларини сотиш жараёны ўрганилған ва улар тажрибаси умумлаштирилған;

- дәхқон бозори ривожланишининг назарий асослари ва амалийтіни ҳар томонлама ўрганишда ҳудудий, миллий ва демографик шароитларни ҳисобға олиш ва унда маркетинг тамойилларини құллаш натижасыда маңсулот етиштирувчилар билан истеммолчилар үтпасидаги айрбошлаш жараёнларини самаралы амалға ошириш мақсадида дәхқон бозоридаги хизметлар мажмусасини яхшилайдыған ва тезлаштырадыған илмий-услубий күрсатмалар ишлаб чиқылған;

- дәхқон бозорида маркетинг фаолияти шаклланиши ва ривожланиши истиқболларининг методологиялық ва назарий жиһатлари асосланған ва хусусиятлари аниқланған; маркетинг фаолиятининг дәхқон бозорда намоён бўлиш механизми күрсатилиб, у ички ва ташқи омиллар таъсири натижасыда шаклланиши күрсатиб берилған, ҳозирги замон маркетинг назарияси ва илгор намоёндаларининг фикр-мулоҳазаларига таяниб, дәхқон бозорида маркетинг фаолиятининг шаклланиши ва ривожланиши истиқболларининг назарий жиһатлари ва йұналишлари ишлаб чиқылған;

- республикада мавжуд бўлған барча турдаги хұжаликлар ҳисобига юзага келадыгынан товар манбаларини ўрганған ҳолда

иқтисодий-математик ва мағтиқли-эвристик усуллар асосида дәхқон бозорининг ривожланиш имкониятлари кўрсатилган ва шу асосда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бозори ҳажми башорат қилиниб, савдо-сотиқни амалга ошириш жараёнларини такомиллаштириш йўллари кўрсатилган;

- дәхқон бозорида маркетинг фаолияти шаклланиши ва амал қилиши хусусиятларини ўрганиш натижасида аҳолининг қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган талаби ҳисоб-китобини олиб боришининг услубий кўрсатмаси, дәхқон бозорида маркетинг фаолиятини ташкил қилиш шакллари ва бошқариш жараёнларининг истиқболли йўллари таклиф қилинган, бозорда кўрсатилаётган хизматларнинг сифати, сони ҳамда маданий хизмат кўрсатиш даражасига таъсир қилувчи омиллар кўрсатиб берилган;

- дәхқон бозорида маркетинг фаолиятини ташкил қилиш, бошқариш жараёнларининг бозор муносабатларидан келиб чиқсан ҳода амалга оширилишига эътибор бериб, истеъмолчиларни юқорироқ сифат кўрсаткичига эга бўлган товарларга, уларнинг эҳтиёж ва хоҳишлари таъсирида шаклланадиган ва ривожланадиган шароит ва омилларни чукур, ҳар томонлама ҳисобга олган ҳода талабини қондириш жараёнлари ўрганилган ва унинг иқтисодий самарадорлигини кўрсатиб берувчи ўлчамлар, усуллар таклиф қилинган;

- мулкчиликнинг тури шакллари ва рақобат муносабатларидан амалда кенг фойдаланиш шароитида дәхқон бозори фаолиятини маркетинг элементлари асосида тартибга солиш йўллари, бунинг учун маркетингнинг замонавий моҳиятига мувофиқ дәхқон бозорининг кенг фаолияти, сармоя қўйиш, ишчи кучидан фойдаланиш, сотиш, истеъмолчиларга сервис хизмати ва бозорлар қошида маркетинг хизматини йўлга қўйишидек муҳим ташкилий-таркибий бўғинни ташкил қилиш зарурлиги ва уни амалга оширишнинг илмий-услубий кўрсатмалари берилган;

- маркетинг фаолиятининг муҳим белгиларидан бири бўлган тадбиркорлик фаолиятини маҳсулот етиштирувчилар ва воситачилар томонидан дәхқон бозорида фаол қўллаш имкониятлари ва чора-тадбирлари, яқин ва узоқ келажақда маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш жараёнларининг истиқболини белгилаш, баҳолаш ва ҳисобга олиш кўрсатиб берилган;

- қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчилар ва бошқа субъектлар томонидан товарлар сотиш жараёнларининг ривожланиши ва такомиллашишининг асосий йўналишлари, шунингдек, мавжуд бозорлар имкониятларидан фойдаланишини янада яхшилаш йўллари ва кенгайтириш воситалари тавсия этилган; дәхқон бозорида маркетинг фаолиятини ўрга ва узоқ муддатли истиқboldаги ривожланишининг муҳим йўналишлари ва босқичлари илмий асосланган; қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотиш жараёнларини тартибга солиш ва дәхқон бозори инфратузилмаси ривожланишини такомиллаштириш бўйича аниқ тадбирлар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти шундан иборатки, диссертацияда ишлаб чиқилган гой ва тақлифлар дехқон бозорида маркетинг фаолиятини амалда кўллаш, унинг назарий ва амалий муаммоларини ўрганиши асосида бозорлар фаолияти ва ривожланишини маркетинг тамоийларига таянган ҳолда ишлаб чиқиши, уни самарали бошқариш йўлларини аниқлаш ва ундан мақсадли фойдаланиш имконини беради. Шунингдек, дехқон бозори муаммоларини инобатта олган ҳолда, унинг ривожланишини иқтисодий жиҳатдан асослаб бериш учун хизмат қилади. Бу масалани ўрганиш доирасида, муаллиф бозор имкониятларидан оқилона фойдаланиш чорә-тадбирларини ва қатор амалий тақлифларни берди. Тақлифлар ва далиллар ёзма равишда «Тошбозортайёрловсавдо» уюшмаси тизимидағи бозор акциядорлик жамиятлари, Дехқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси, Ўзбекбирлашув акциядорлик компанияси, Самарқанд вилояти бозорлар уюшмасига берилган ва улар томонидан қишилоқ хўжалиги маҳсулотлари савдосини ташкил қилиш, дехқон бозорларида маркетинг фаолияти ривожланишининг истиқболларини аниқлаш жараёнларида ҳисобга олиниши қайд қилинган.

Иzlаниш жараёнида олинган амалий йўлламалар ва тақлифлар йирик дехқон бозорларида маркетинг фаолияти ривожланишининг истиқболларини аниқлаш ва у ерда башоратни амалга ошириш, ривожланиш стратегияси ва дастурини асослаш учун мўлжалланган.

Диссертацияда ишлаб чиқилган услубий, назарий гоялар, фикр-мулоҳазалар «Тадбиркорлик асослари», «Қишилоқ хўжалиги маҳсулотлари маркетинги», «Агробизнесни ташкил қилиш», «Дехқон ва фермер хўжаликлари иқтисодиёти» ўқув курсларида ва мутаносиб илмий-тадқиқот институтлари фаолиятида фойдаланилиши мумкин.

Тадқиқот натижаларининг амалиётта татбиқ этилиши. Изланишнинг ассосий гоялари ва натижалари дехқон бозорлари фаолиятини яхшилаш ва тақомиллаштиришга қаратилган йўлламаларни ишлаб чиқишида услубий асос ҳисобланниб, муаллифнинг тавсиялари ҳозирига замон маркетинг тамоийлари ва бошқа бозор воситалари асосида дехқон бозорини шаклланган ва тақомиллашган ривожланишга етказиб бўйича назарий ва амалий кўллашма сифатида фойдаланимоқда. Изланиш натижалари шунингдек, Тошкент, Самарқанд ва республиканинг бошқа йирик шаҳарларидағи дехқон бозорларини 2005-2010 йилларга мўлжалланган ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқишида ва уларнинг бошқариш тизимини тақомиллаштиришда кўлланилиши мумкин.

Илмий изланиш натижалари дехқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси (маълумотнома 2003й.17.IV.№02110-164а), Ўзбекбирлашув акциядорлик компанияси (кўллаш акти 2003й.16.VI.№05-4/518), Самарқанд вилояти бозорлар уюшмаси (қайднома 2003 йил. 14. 11. №194)нинг ишлаб чиқилаётган дастурларида ўз аксини топган.

Хозирги вақтда диссертация изланишининг айрим хуосалари «Маркетинг», «Маркетинг асослари», «Хизмат кўрсатиш соҳасида маркетинг» дарслклари ва ўкув қўлланмаларини тайёрлашда фойдаланилмоқда.

Тадқиқотнинг асосий мазмуни муаллиф томонидан маркетинг ва менежмент муаммолари бўйича Тошкент давлат иқтисодиёт университети қошидаги иқтисодиёт, бизнес, мутахассисларнинг малака ошириш ва қайта тайёрлаш олийгоҳи тингловчиларига, университет талабаларига маъruzalар ўқишида фойдаланилмоқда.

Тадқиқот ишида қайд қилинган хуосалар, таклифлар ва йўлланмалардан ЎзР иқтисодиёт вазирлиги, Республика шаҳар ва қишлоқларида фаолият юритаётган дехқон бозорларида, дехқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси ва Ўзбекбирлашувнинг шуъба корхоналари фаолиятида савдо-сотик жараёнларини юқори даражада ташкил этиш, у ерни маданиятида савдо масканларига айлантириш мақсадида фойдаланиш мумкин.

Илмий ишининг апробация қилинганини. Диссертация ишининг асосий натижалари Жаҳон банкининг Иқтисодий ривожланиш институти томонидан амалга оширилган «Ижтимоий ривожланиш сиёсати, лойихалари ва дастурлари» семинарларининг «Аҳолининг даромадларида дехқон бозорининг ижтимоий-иктисодий моҳияти ва улардан фойдаланиш» ва «Ижтимоий муаммоларни ҳал қилишда дехқон бозорининг ўрни ва роли» мавзулари бўйича илмий маъruzalар ва ҳисобот материалларини тайёрлашда (Вашингтон, 1995й., Москва, 1995 й., Тошкент, 1996 й., Алма-Ата, 1997 й.), шунингдек, Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг «Ўзбекистонда бозор таркибларини шакллантириш» (1993й.) ва «Ўтиш иқтисодиёти шароитида мулкчилик шаклларининг ривожланиши» (1999й.) мавзуларидаги илмий ҳисоботларида фойдаланилган.

Иzlaniшининг асосий йўлланмалари ва натижалари ҳалқаро ва миллий анжуман, симпозиум, семинар: «2000 йилга қадар Ўзбекистонда менежментни ўрганиш» Ҳалқаро симпозиуми (Тошкент, 1992й., сентябрь); «Ўзбекистон Республикаси суверенитети ва мустақиллиги шароитида бозор иқтисодиётига ўтиши» Республика илмий анжумани (Тошкент, 1993й., апрель); «Ўзбекистон Республикасида кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш муаммолари» Республика илмий-амалий анжумани (Тошкент, 1996 й., май); «Қишилоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш илмий-амалий муаммолари» Республика фан-техника анжумани (Бухоро, 1996 й., ноябрь); «Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида маркетинг муаммолар ва ечимлар» Республика илмий-амалий анжумани (Тошкент, 1997 й., май); «Ўзбекистонда қишилоқ хўжалиги ислоҳотлари» Республика илмий-амалий анжумани (Тошкент, 1998й., февраль); Международная научно-практическая конференция «Современные компьютерные технологии в экономике, науке и образовании» (Ташкент, 1998 й., октябрь); «Миллий иқтисодий

ислоҳотлар даврида маркетинг» Халқаро илмий анжумани (Тошкент, 1998 й., ноябрь); «Аҳолини ижтимоий ҳимояси» Халқаро илмий-амалий анжумани (Тошкент, 1999 й., ноябрь); Международная научно-практическая конференция «Устойчивое развитие экономики на рубеже XXI века» (Москва, 2000 й., март); «Иқтисодий мерос ва жаҳон тажрибаси» Республика илмий анжумани (Тошкент, 2000 й., март), «Иқтисодиётни эркинлаштиришнинг минтақавий муаммолари» Халқаро илмий-амалий анжумани (Фарғона, 2000 й., апрель); «Бозор иқтисодиёти шароитида бошқариши эркинлаштириш ва уни такомиллаштириши» Илмий-амалий анжумани (Тошкент, 2000 й.); Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёти: иқтисодий ислоҳотларни чукурлаштириш ва эркинлаштириши» Халқаро илмий-амалий анжумани (Тошкент, 2000 й.); «Ўзбекистон Республикаси иқтисодий сиёсатини эркинлаштиришнинг устувор йўналишлари» Илмий амалий анжумани (Тошкент, 2000 й.); Международная научная конференция. «Четырнадцатые Международные Плехановские чтения» (Учебный центр Плеханова, Москва-Ташкент, 2001 г., апрель); «Барқарор иқтисодий ривожланиши ва минтақавий ресурсларни бошқариши» Халқаро анжумани (Тошкент - Ноттингем, 2001 й., октябрь); Международная научная конференция. «Пятнадцатые Международные Плехановские чтения». (Москва, 2002 й., апрель); «Ўзбекистонда дәҳон ва фермер хўжаликларининг мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилиш: эришилган натижалар ва ривожланиш истиқболлари» илмий амалий анжумани (Тошкент, 2002 й., апрель); Международный форум «III тысячелетие - новый мир» Труды международного форума (Москва, 2002 й., декабрь); «Ўзбекистонда кичик ва ўрга бизнесни ривожлантириши: муаммолар ва истиқболлар» илмий-амалий анжумани (Тошкент, 2002 й., май) ва ҳоказо тадбирларда маъруза қилинди ва муҳокама бўлди.

Диссертация иши Тошкент давлат иқтисодиёт университети Маркетинг ва Агробизнес кафедралари қўшма йигилиши, ТДИУ муаммоли мувофиқлаштирувчи кенгаш семинари, Ўзбекистон Миллый университети Иқтисод факультети илмий семинари, Тошкент Аграр университети Агробизнес ва менежмент, Агроменежмент, Микроиқтисодиёт кафедралари қўшма йигилиши, Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги Вазирлиги Бозор ислоҳотлари илмий-тадқиқот институти илмий кенгаси, Фарғона давлат университети Халқаро иқтисодий муносабатлар факультети илмий кенгаси, Ўзбекистон Республикаси Мулк қўмитаси хузуридаги Бозор ислоҳотларини чукурлаштириш илмий-тадқиқот институти илмий кенгаси, ЎзР ФА Иқтисодиёт институти бўлимларининг қўшма мажлисида муҳокама этиди ва маъқулланди.

Илмий изланиш натижалари, ишланмалар, хуносалар Ўзбекистон ва хорижий мамлакатлар матбуотидага зълон қилинган, илмий жамоатчилик муҳокамасидан ўтган.

Чоп этилган илмий ишлар. Диссертация иши бүйінча эълон қылғандаған илмий ишлар сони 59 тани, шу жумладан, илмий журналлардаги мақолалар 33 тани ташкил этады.

Иппинг әжми өткіби. Күйилған мақсад ва вазифалар изланишнинг мантиқини анықлашда ва диссертация таркибидә үз аксими топты. Унинг таркиби кириш, 5 та боб, хуоса ва таклифлар, фойдаланылған адабиётлар рүйхати ва иловалардан ибораттадыр.

Диссертациянинг кириш кисмидә мавзунинг долзарблиги, изланиш мавзузини танланғанлық сабаблари, унинг мақсади ва вазифалари, предмети, объекти, диссертациянинг назарий ва услугий асослари, илмий ва амалий ақамияти ва ҳоказолар үз аксими топтан.

Биринчи бобда - "Деҳқон бозорида маркетинг фаолияти шаклланишининг назарий ва услугий асослари" ёритилиб, унда үтиш даври иқтисодиётіда маркетингнинг ижтимоий-иқтисодий мөхияти, тушунчаси, назарий асослари ва ҳозирги замон концепциясі, Ўзбекистон ҳудудида мавжуд бўлган деҳқон бозорларининг аҳоли талаб-эҳтиёжларини қондиришдаги роли ва ақамияти, унда деҳқон ва фермер ҳўжаликларида етиштирилган қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларининг айрбашлаш учун мўлжалланган кисмини ишилб чиқаришдан истемолчигача етказиш билан боғлик бўлган жараёнлардаги маркетинг фаолияти ва амал қилиш хусусиятлари ҳақида баён қилинади.

Иккинчи бобда - "Деҳқон бозорида қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари таклифи маркетингига этибор қаратилиб, Ўзбекистон аҳолисининг деҳқон ҳўжаликлари, шаклланаёттан фермер ҳўжаликларининг ривожланиши, уларнинг қишлоқ аҳолиси турмуш даражасини кўтаришдаги роли, деҳқон ва фермер ҳўжаликлари, уларнинг ҳозирги иқтисодий ривожланиш жараёнида зарурлиги ва мамлакат иқтисодида тутган ўрни ва роли, бу ҳўжаликлarda этиштирилган маҳсулотларнинг бозори масалалари ўрганилган.

Учинчи бобда - «Деҳқон бозори хизматлари ва мажмуасини ривожланиш ҳолати ва унда маркетинг фаолиятини шакллантириш» масалалари ўрганилиб, бу ерда деҳқон бозорининг ривожланиши, унинг ҳозирги даврда ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал қилишдаги ўрни ва роли, унинг товарайланма ҳажмидаги ўзгаришлар динамикаси, турли ҳудудлардаги ривожланиш суръати, деҳқон бозоридаги сотувчилар ва харидорларнинг сегментлари, уларни бозорда иштирок қилишга ундовчи жараёнлар, деҳқон бозорининг моддий-техника базаси ва инфраструктуруниниң ҳолати, у билан таъминланиши даражаси, деҳқон бозорида маркетинг фаолиятини йўлга кўйиш ва унинг ижтимоий-иқтисодий самарадорлиги ва деҳқон бозорининг ривожланиши билан боғлик бўлган бошқа масалалар ўрганилган.

Тўртингчи бобда - «Деҳқон бозорида қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларига нарх-навонининг шаклланиши ва досил бўлишида маркетинг ёндашуви» ўрганилиб, нарх-наво, унинг мөхияти, бозорда нарх-навонининг шаклланиши, унга таъсир қиувлечи омиллар, талаб, таклиф ва нархларнинг бир-бiri билан узвий боғлиқлиги, нарх-наволарнинг ўзгариши динамикаси, нарх-наволар шаклланишида маркетинг

фаолиятидан самарали фойдаланиш масалаларини ҳал қилиш жараёнлари чукур таҳлил қынгитан.

Бешинчи бобда - «Дәхқон бозорида маркетинг фаолиятини құллаш вә уни ривожлантириш истиқболлары» үрганилиб, бу ерда асосий йұналиш дәхқон бозорида маркетинг фаолиятини құллаш шартшароитлари вә имкониятлари, уни ташкил қилиш, маркетинг ривожланишининг истиқболларини аниқлаш, дәхқон бозори фаолиятида матлубот уюшмаси иштирокини фаоллаштириш, қышлоқ хұжалиги маҳсулотлари улгуржи сағдоси ишини йұлға қўйиш, шунингдек, қышлоқ хұжалиги маҳсулотларининг дәхқон бозорида сотилиш ҳажмини иқтисодий-математик усуллар асосида башпорат қилиши вә бозорда сағдоситик жараёнларини яңада яхшилаш масалаларини үрганишга бағытланғандыр.

Хулоса вә таклифлар қисміда диссертациянинг энг муҳим бұлған хулосалари вә қышлоқ хұжалиги маҳсулотларини истеъмолчиларға етказиб берішінде дәхқон бозорининг келажақдати ривожланиши, унда маркетинг фаолияти ривожланишининг истиқболлары, ижобий натижаларға ершиші, унинг самарадорлығи ортиши, қышлоқ вә шаҳар ахолисининг түрмуш тарзи яхшиланишига қаратылған чора-табиірлар ҳақида хулоса вә таклифлар берилған.

Диссертациянинг умумий ҳажми 342 бет компьютер ёзувидағи саҳифалардан иборат бўлиб, шу жумладан 302 бет матн, 48 та жадвал, 4 та диаграмма, 57 та расмли материалларни ҳамда 218 та фойдаланилган адабиётлар рўйхатини ўз ичита олади.

2. ДИССЕРТАЦИЯНИНГ МАЗМУНИ

Бозор мұнособатлары ривожланишининг хусусиятли жиҳаты шундаки, мавжуд ресурслар вә имкониятлардан самарали фойдаланиш вә истеъмолчилар талабини сифатли қоңдиришни таъминлаш мақсадыда ўзаро иқтисодий алоқаларда ишпирок этувчи субъектлар ҳаракати маркетингта таянған ҳолда йұлға қўйилади. Бозор эса товарлар вә хизматлар билан тұйдирілған вә унинг хилма-хиллиги таъминланған ҳолда жамияттнинг ижтимоий-иктисодий самарадорлыгини оширади. Жаҳондаги иқтисоди тараққий эттан мамлакатлар тажрибаси шуни күрсатмоқдаки, маркетинг менежменттнинг бозор субъектлари фаолиятини бошқарищадаги умумлашған функцияси сифатыда намесн бўлмоқда вә унинг амалиётда муваффақиятли құлланыши бозор сегментлари учун кatta жотуқларга ершиш имконини бермоқда.

Шуни таъқидалаб ўтиш лозимки, маркетинг фаолиятини назария вә амалиётда ўзгармас ҳолат деб қараш мүмкін эмас, чунки у илмий-техника жотуқлари таъсирида ҳамда түрли ижтимоий-иктисодий вә сиёсий ҳолатларда юз берәёттан ҳалқаро вә миллий бозорлардаги конъюнктура ўзгаришларига мослашиш мақсадыда ўзининг стратегия вә тактикасини ҳар дөйн тақомиллаштыради вә ривожлантириб бораверади. Шунинг учун ҳам диссертация ишида ҳозирғи замон маркетингтнинг мөхиятини аниқлаш, унинг мазмуни вә функциясини түлиқ ёритишида,

узок, ва яқин ўтмишда маркетинг тұгрисида билдирилган назарий гоялар мазмуни ва уларнинг амалиётда қарор топиши масалаларига зытибор берилған. Маркетинг юясини чукур ўрганиш, унга янада кatta зытибор бериш XX асрнинг 50-йилларидан бошланиб, АҚШ ва бошқа ривожланған Гарбий Европа мамлакатларыда шу даврдан бошлаб, «харидор бозори»ни ўрганиш юзага кела бошлади ва бу ҳолат харидорнинг сотуғыга нисбатан устун эканлитики намоён қылды. Аммо 60-йилларнинг ўрталарига қадар маркетинг фаолияти ишлаб чиқарылған товарларның ўтказыш, сотиш муаммоларига қарастырылған бўлиб, тадбиркорлар бозор эхтиёжини ҳисобга олмасдан, фақат ўзларининг ишлаб чиқариш имкониятларига ургу берар эдилар. Ҳозирги замон маркетинги эса товарлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатишни бевосита бозор имкониятларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширишни тақозо этади ва кўп ҳолларда айнан бозор учун мослашган ҳолда ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишни шакллантиради. Шунинг учун ҳам, диссертацияда маркетингнинг асосий муаммолари биринчидан, нима учун инсонлар ва корхоналар ўзаро алмашувда иштирок этади? Иккинчидан, айирбошлишни амалга ошириш зарурати, унинг такомиллашуви ёки ундан воз кечишини нима аниқлайди? каби масалаларни ҳал қилишга қарастырылған бўлиб, маҳсулотлар (хизматлар)ни ўтказиш, сотиш билан боғлиқ бўлган жараёнларга кatta зытибор берилған.

Одатда «маркетинг» (marketing) термини, унинг тушунчаси ҳаддан ташқари ихчамлиги туфайли рус ва ўзбек тилларига таржима қилинмайди. «Market», маълум бир очик ҳудудда ёки бинода сотиш, сотиб олиш ёки бир-бирини кўриш, сұхбатлашиш мақсадида инсонлар учрашадиган жамоатчилик жойидир. Маркетинг эса фалсафа, тафаккур меваси ва иқтисодий гоялар йўналишини белгиловчи, алоҳида олинган фирма, компания, тармок, қолаверса, умуман иқтисодидә содир бўладиган кичик ва кatta хажмадиги сотишларнинг назарияси ва амалиётидан ташкил топган бўлиб, ҳозирги замон назариясида унинг жуда кўплаб таърифлари мавжуд. Уларнинг ҳар бири маркетингнинг у ёки бу томонларини ўзида ифодалайди ёки унинг комплекс тафсилотини аниқлаб беради. Масаланинг моҳияти бўйича ҳар бир муаллиф ўзининг шахсий тушунчасини ифодалашга ҳаракат қиласи. Диссертацияда дунёда номи чиққан олимларнинг маркетинг тұгрисидаги таърифлари, фикр-мулоҳазалари келтирилган бўлиб, муаллиф ҳам ўзининг бу борадаги қарашларини баён қиласи ва шу орқали маркетинг назарияси ва амалиётини Ўзбекистон шароитида қўллаш имкониятлари ҳақида фикрлар билдирилган.

Диссертация муаллифи фикрича, маркетинг - товарлар ва хизматлар оқимиини ишлаб чиқарувчидан харидорга етказишча бўлган жараёнлардаги инсон фаолияти бўлиб, истеъмолчилар эхтиёжини айирбошлиш воситасида тўлиқ қондиришга йўналтирилган ва шу асосда истеъмолчи сифатида ўзлари учун зарур бўлган харидорларга савдо-сотиқ жараёнини юқори даражада ташкил этиш, бозор жараёнларини таҳдил қилиш ва корхонанинг қайси бозорда муваффақиятта эришиш

йұналишини белгилаб беришга қаратылған назарий ва амалий тамойилларни ифодалайды.

Бозор маркетинг тизимининг мавжудлик мүхитини товар-пул айрбашлау соҳасыда намоён қилиб, бевосита талаб ва таклиф асосида ишлаб чиқарувчilar (сотувчilar) ва истеъмолчilar (харидорлар) ўргасында иқтисодий муносабатларни шаклантиради ва қарор топтиради. Бу жараёнда маркетинг фақат ишлаб чиқарылған маҳсулот ёки хизматларни сотиш жараёни билан чегараланиб қолмайды, балки қатор тушунчаларни ўзида мужассамлаشتыриб, унинг тұлақонли амал қилишини таъминлады. Булар, биринчидан, маркетинг изланиши воситалари орқали истеъмолчilarнинг асосий эхтиёжларини аниклаш; иккинчидан, бу эхтиёжларни қондирадиган маҳсулотларни яратиш; учинчидан, бу маҳсулотларни маркетинг элементтери (нарх-навонинг шаклланиши, реклама, сотишни таъмин этиш ва бошқалардан фойдаланган ҳолда истеъмолчilarга етказиш; тұрғынчидан, ўтказиш (сотиш) тармоклари ёрдамида маҳсулотларни истеъмолчilarга бевосита сотиш ҳисобланади.

Маркетингнинг асосий функцияси бозорни ўрганиш бўлиб, иккита бош йўналишлаги масалани ҳал қилишга қартилағандир. Булар: биринчидан, корхона ичида ва корхонадан ташқари вазиятни таҳлил қилиш, содир бўлиши мумкин бўлган ўзгаришларни кўра билиш ва шулар асосида бошқариш стратегиясини ишлаб чиқишидир; иккинчидан, бошқарув қарорларини қабул қилиш мезонларини аниклаш, корхонанинг бозорда бўлиш ҳолатини текшириш ва башоратни тасдиқлашдан иборатdir. Маркетинг фирма ёки корхонанинг ўз маҳсулоти ёки хизматини ўтказиш, сотиш билан боғлиқ бўлган барча фаолият турини қамрап олади ва кеңг мәйнода маҳсулот ва хизматларни сотишни ташкил қилиши ҳамда тақомиллаштириш ишларини амалга ошириб, унинг содир бўлиши айрбашлаш жараёнида кўпроқ намоён бўлади. Унинг асосий вазифаси товарлар ва хизматларни истеъмолчilarга етказиш, сотишдан иборат бўлиб, барча жараёнларда юз берадиган муаммоларни ҳал қилиш маркетинг фаолиятини йўлга кўйиш ва ривожлантириш орқали амалга оширилади. Айрбашлаш жараёни маркетинг фаолиятининг концептуал жиҳатларини очиб бериш учун қуай вазият яратади.

Диссертацияда қайд килинганидек, ҳозирги шароитда маркетинг фаолиятини иқтисодиётнинг жуда кўплаб субъектларида шаклантириш ва унинг муаммоларини илмий нұқтаи назардан ҳал қилиш масалаларига зыгибор қаратилиши алоҳида аҳамият караб этмоқда ва бундай субъектлардан бири Ўзбекистонда мавжуд бўлган дәхқон бозорлари ҳисобланади. У мамлакат ички бозорининг энг зарур, мухим шакли бўлиб, дәхқон ва фермер хўжаликлари томонидан етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини мәълум бир жойларда харидорларга айрбашлаш воситасида етказиб берувчи ва савдо-сотиқ жараёнларини амалга оширувчи маҳсус маскан ҳисобланади. Республиканинг ижтимоий-иктисодий ривожланишида у ҳал қиувлари аҳамиятта эга ва унинг фаолияти иқтисодий жараёныннинг содир бўлишига мәълум даражада таъсир кўрсатади, ишлаб чиқарувчilar билан

истеъмолчиларнинг эҳтиёжлариниң қондиришда зарур объект сифатида намоён бўлади. Ўзбекистонда дехқон бозорлари қадимдан объектив зарурият сифатида мавжуд бўлиб келган. Ўзбек халқининг менталитети айирбошлиш жараёнида ҳар бир оила, фуқаронинг иштирок этиши учун интилиши, бозорнинг ўзига хослигидан далолат бериб, биринчидан у орқали шаҳар аҳолисининг қишлоқ, хўжалиги маҳсулотларига бўлган талаб - эҳтиёжлари қондирилади, иккинчидан, қишлоқ аҳолисининг эса иқтисодий аҳволини яхшилаш учун хизмат қиласди. Шу билан бир вақтда қишлоқ аҳолисининг мальум бир қисми савдо-сотиқ жараёнида иштирок этиб, уларнинг меҳнатда бандылгини таъминлайди ва шу йўл билан бу бозор ҳам ижтимоий, ҳам иқтисодий самарарадорликка эга бўлади.

Ўзбекистонда дехқон бозорининг мавжудлиги узоқ ўтмишга бориб тақалиб, замон ва тараққиёт тақозоси билан шарқона бозор тамойиллари узоқ йиллар давомида шаклланиб, инсонларнинг бозорда содир бўладиган муносабатлари урф-одатларининг янада ривожланиб бориши натижасида мукаммалашди, гўзаллашди ва шу орқали бекиёс даражада дунёга донг таратди. Айниқса, шарқона бозорнинг энг муҳим хислати миљлатлараро алоқалар пойдеворининг мустаҳкам бўлиши, халқининг урф-одатлари, турмуш тарзининг шаклланиши ва умуман аҳоли турмуш фаровонлигининг яхциланишида қўшадиган катта хиссасидан иборат. Албатта қадимда дехқон бозори тушунчаси бўлмаса-да, ҳар бир сотиладиган маҳсулот турлари бўйича бозорлар, бозорчалар кўп бўлган. Масалан, гўшт бозори, гуруч бозори, сабзовотлар бозори, пиёз бозори, буомлар бўйича: атлас бозори, ҳунармандчилик маҳсулотлари бозори ва хоказолар шулар жумласидандир. Ўрта Осиё халқларидан ўзбеклар бозорларда савдо-тижорат ишлари билан шугулланниб, уларнинг доврути, обрў-эътибори бутун дунёга тарқалди. Бу борада кунчикардан кунбогартага, яни Хитойдан «сўнгти денгиз»гача бўлган «Буюк ишак йўли»нинг юзага келиши, ҳудудимида мавжуд бўлган бозорларнинг янада ривожланишига ижобий таъсир кўрсатди. Савдо-тижорат иши билан шугулланувчи карвонлар, албатта, Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Қарши, Урганч, Хива, Фарғона водийси шаҳарлари бозорларида тўхташган, у ерларда савдо-сотиқ ривожланишига салмоқли хисса кўшиштган.

Хозирги кунда шарқ бозорларининг ривожланиши ўзига хос хусусиятларга эта бўлиб, унинг кўриниши, салобати замон талаблари асосида шаклланиб, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бозори савдоси дехқон бозори маҳомида фаолият юритмоқда. Ўзбекистонда дехқон бозорининг гоят муҳим эканлигини таъкидлаб, республика Президенти И.Каримов: «Бозор - ҳаётимиз кузгуси бўлиб қолиши керак. Биз бозорга бефарқ қарамаслитимизнинг боиси шундаки, фуқароларимиз маошларининг кўп қисмини шу ерда сарфлаяптилар»¹ деб, бу соҳанинг нечоглик аҳамияти борлигини яна бир бор кўрсатиб берди. Шу жиҳатдан

¹ Каримов И.А. Эл манфаати - фаолиятимиз асоси//Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Т.2. - Т.: Ўзбекистон, 1996, 247-б.

ҳам дәхқон бозорининг ҳозирги кундаги фаолиятининг асосий сабабларидан бири, қишлоқ аҳолиси томонидан етиштирилган маҳсулотларнинг ўзлари томонидан сотилиши учун интилиб, иктиносидий жиҳатдан даромад кўриши, ўзбек дәхқони оиласининг ўзига хослиги, хуљ-атвори, анъанаси, турмуш тарзидан келиб чиқади. Ўзбекистонда бу савдонинг айнан шу шактда ривожланиши учун етарли шарт-шароитлар, имкониятлар мавжуд.

Ўзбек оиласи, айниқса, қишлоқ оиласидаги кишилар сонининг ўртача кўрсаткичи 6-7 кишига тўгри келишини ҳисобга олсан, бу савдонинг аҳолини иш билан таъминлашада жуда катта имкониятларга эга бўлишини кўрамиз. Шуни ҳисобга олиб, дәхқон бозорига қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотиш учун мўлжалланган жой деб қараш мақсадга мувофиқдир. Чunksи, бизга ўғмишдан маълумки, бу бозорларда асосан қишлоқ хўжалигига етиштирилган маҳсулотлар савдоси, уни етиштирувчилар томонидан амалга оширилган. Дәхқон бозорларида тарқоқ ҳолдаги дәхқонлар, чорвадорлар, ишчилар, хизматчиликлар ва бошқаларнинг иштирок этиши савдо-сотик жараёнида қўшимча ресурс ҳисобланган ва мамлакат ижтимой-иктиносидий ривожланишида яхши мавқега эга бўлган. Шунинг учун бозор тушунчалари, бозор институтлари, бозор муносабатлари энди шаклланаётган бир жараёнда иктиносидёт шундай ривожланиши палласига кирдики, ҳозирги кунда уни савдонинг асосий канали бўлган дәхқон бозорларисиз тасаввур қилиш кийин. Бу шу нарсада намоён бўладики, кейинги йилларда аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабини қондиришада дәхқон бозорининг ҳиссаси йилдан-йилга ортиб бормоқда. Уларни ҳар бир кишига тўгри келадиган кўрсаткичлари билан қарайдиган бўлсан, дәхқон бозоридан харид қилинган маҳсулотларнинг ҳиссаси барча савдо шаклларидан харид қилинганда анча юқоридир.

1-жадвал

Республика бўйича аҳоли жон бошига тўгри келадиган озиқ-овқат маҳсулотларининг дәхқон бозоридаги улуши.¹

(% ҳисобида)

Маҳсулот турлари	1991	1995	1996	1997	1998	1999	2000	2001	2002
Нон ва нон маҳсулотлари	35	38	39	41	40	42	44	43	43
Гўшт ва гўшт маҳсулотлари	37	76	75	77	77	82	82	82	80
Сут ва сут маҳсулотлари	50	68	69	71	71	74	77	76	75
Картошка	60	78	82	83	82	88	90	92	93
Сабзавотлар	58	79	81	82	82	87	88	89	91
Мевалар	57	84	85	85	86	86	89	91	91
Пиёз	61	90	91	90	91	93	93	92	93
Тухум	29	51	51	52	52	65	67	69	72
Жами озиқ-овқат-ларда бозорларининг ҳиссаси	41	72	72	74	75	82	84	85	86

¹ Муаллифнинг ҳисоб-китоблари.

Жадвадан кўриниб турибики, гўшт ва гўшт маҳсулотлари картошка, сабзавотлар, пиёз, мевалар ва бошқа маҳсулотларнинг

истеъмол қилинишида дехқон бозоридан харид қилинган маҳсулотлар 80% дан юқори экан ва бу кўрсаткичлар мамлакат иқтисодиётида дехқон бозорлари қанчалик катта салоҳиятта эга эканлигидан далолат беради.

Дехқон бозорида сотиладиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ўзига хос хусусиятлари: 1) қишлоқ хўжалити маҳсулотларининг аксарият қисми инсонлар истеъмоли учун жуда зарур бўлган неъматлардандир; 2) қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини истеъмол қилишининг физиологик, тарихий, миллий, ҳудудий, иқдим, интеллектуал хусусиятларга асосланган чегараси мавжуд; 3) қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига талаб нисбатан секин ўзгаради; 4) қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига талаб кам эгилиувчаникка эгадир, яъни нарх-навонинг кескин кўтарилиши, талаб миқдорининг кескин камайишига олиб келмайди; 5) аҳоли томонидан ҳар доим истеъмол қилинадиган қишлоқ хўжалити маҳсулотларига бўлган талабнинг ҳам нисбатан такрор содир бўлиши кузатилади; 6) қишлоқ хўжалити маҳсулотлари таклифи нарх-навонинг ўзгаришига ҳам боғлиқ бўлиб, у ҳаракатчаник, яъни товар ҳажмининг кўпайиш ёки камайиш хусусиятига эга; 7) қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқарииш табиий-иқдим шароитлари ва яна бошқа сабабларга кўра мўлжалдагидан кўра камроқ ҳосил олиш ҳолатларининг содир бўлиши мумкинилиги; 8) қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бозор талаби чегаралangan бўлиб, бозорнинг тўлиқ таъминланишигача этиб бориши мумкин.

Диссертацияда қайд қилинганидек, дехқон бозори такомиллаштан рақобат бозори тамойилларига жавоб берган ҳолда фаолият юритиб, бу ҳолат унинг иккита асосий шарти билан изоҳланади. Булар:

- биринчидан, бозорда жуда кўп турдаги сотувчиларнинг иштирок этиши ва уларнинг ҳар бири нарх-навога таъсир қилиш учун керакли бўлган ҳажмдаги товар таклифини таъмин эта олмаслиги;

- иккincinnидан, сотувчиларнинг бозордаги иштироки ва уни тарк этиши эркинлигидан иборат.

Шаҳар ва аҳолиси кўп бўлган ҳудудлар марказида ташкил қилинган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотиш учун мўлжалланган объектлар «дехқон бозори» ёки оддий қишиб бозор деб ҳам юритилади. Бу бозорга хос бўлган энг муҳим хусусиятлар куйидагилардан иборат:

1. Бозорда сотувчилар қиёфасида аксарият ҳолларда бевосита маҳсулот ишлаб чиқарувчиларнинг ўзлари иштирок этадилар. Бозор муносабатларининг чуқурлашиб бориши натижасида қишлоқ хўжалигида банд бўлмаганлар томонидан ҳам савдо-сотик ишлари амалга оширилади.

2. Нарх-наво эркин равишида, яъни талаб ва таклиф нисбатларини ҳисобга олган ҳолда шаклланиб, даражасининг ўзгариш меъёри тез.

3. Бозор савдоси орқали қишлоқ хўжалигида этиштирилган маҳсулотларнинг сотилиши, аҳолининг савдо жараёнида фаол иштирок этиши ва харидорларнинг моддий эҳтиёжларини тўлиқроқ қондириш имконияти туғилади.

4. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари асосан шаҳарликлар учун сотилиди ва бозор ривожланиши шаҳарлarda яққол кўзга ташланади.

